*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 247 (6. 438) ◉ 1987 йил 31 октябрь, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

**КПСС Марказий Комитети «Сайлаб қўйиладиган органларнинг қайта қуришга раҳбарлик соҳасидаги иши тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама этишга бағишлаб партия комитетларининг пленумларини ва коммунистларнинг йиғилишларини ўтказиш ҳақида»ги масалани кўриб чиқди.**

Қабул қилинган қарорда қайд этиб ўтиладики, КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг қарорига мувофиқ партияда сайлаб қўйиладиган партия органлари ва улар секретарларининг қайта қуришга раҳбарлик қилиш тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама этишга бағишлаб партия комитетларининг пленумларини ва коммунистларнинг йиғилишларини ўтказиш лозим бўлади. Пленумлар барча маҳаллий партия комитетларида, йиғилишлар эса бюролар ва партия комитетлари бошқарадиган бошланғич партия ташкилотларида ўтказилиши керак.

Партиянинг барча бўғинларида ҳамма даражалардаги ишни кучайтириш, бир қанча партия комитетларининг турмуш жараёнлари жўшқин ривожланиб бораётганлигидан орқада қолаётганлигини тугатиш зарурати бўлажак ҳисоботларнинг сиёсий аҳамиятини белгилаб беради. Ўз фаолиятига талабчанлик билан баҳо бериш, масъулият ва принципиаллик вазиятини мустаҳкамлаш, қайта қуриш авангардида бораётган коммунистларга, партия комитетларига, уларнинг раҳбарларига янги куч бағишлаш; қайта қуришга тўсқинлик қилаётганларнинг номларини юзига дангал айтиш керак бўлади.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларининг бюролари ҳамда улар секретарларининг қайта қуришни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама этиб, тегишли комитетларининг пленумларини 1987 йил ноябрь — 1988 йил январь ойларида ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Худди шу муддат ичида бошланғич ташкилотларнинг йиғилишларида бюро ва парткомларнинг, улар секретарларининг ҳисоботларини тинглаш назарда тутилади. Катта-катта партия ташкилотларида ҳисоботлар шаҳар, район комитетларининг ихтиёрига кўра, партия конференцияларида ёки коммунистларнинг турдош цехлардаги сменалар, группалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларида тингланиши мумкин.

Қарорда таъкидланадики, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари сайлаб қўйиладиган партия органлари ва улар секретарларининг ҳисоботлари большевикларга хос рўй-ростлик, ошкоралик, амалий танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида, йиғилишлар олдиндан тайёрлаб қўйилган мажлисларга айланиб кетишига йўл қўймасдан, чинакам демократик асосда ўтказилишини таъминлашлари шарт.

Ҳар бир партия комитети фаолиятига бериладиган баҳонинг мезони фақат бир нарса, — у ҳам бўлса яхшилик сари реал силжишлар, иқтисодий, социал ва маънавий соҳадаги сезиларли натижалар бўлиши мумкин. Муҳокама: партия ташкилоти янгиланиш жараёнига бошчилик қилаяптими, унинг фаолияти одамларга ижодий омил бағишлаяптими, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашда, меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилашда, уларнинг фаровонлигини оширишда сезиларли ўзгаришлар борми? — деган саволларга тўла-тўкис ва аниқ жавоб бериши керак.

Ҳисоботлар давомида ҳар бир партия ташкилотида чуқур демократиялашни таъминлайдиган, партия аъзолари ўртасида чинакам ўртоқлик вазиятини, муҳокама эркинлиги ва коммунистлар ҳаракати бирлиги муҳитини қарор топдирувчи чоратадбирлар ишлаб чиқиш керак бўлади. Партияда ва умуман жамиятда демократияни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олиш ҳам лозим. Экономикамиз хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принципларига ўтказилаётганлиги муносабати билан партия ташкилотларининг иш мазмуни ҳамда конкрет вазифаларини муҳокама қилиш зарур. Диққат-эътиборни бюрократизмга, текисчиликка, тайёргайёрликка қарши курашни кучайтиришга қаратиш лозим.


Пленумлар ва йиғилишларга тайёргарлик кўриш жараёнида партия комитетларининг фаолияти тўғрисида меҳнаткашларнинг, бутун жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш учун улар билан маслаҳатлашиш зарур. Ҳар бир коллективда, районда, шаҳарда қайта қуришнинг аҳволи тўғрисида демократик асосдаги муҳокамани, мунозараларни ўтказиш учун, жумладан, оммавий ахборот воситаларида ҳам тўла ошкоралик ва кенг имкониятлар таъминлансин.

Пленумлар ва йиғилишларнинг ишида юқори партия органларининг вакиллари, шу жумладан КПСС Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг қатнашишлари зарурлиги уқтириб ўтилди.

Бюролар, парткомларнинг ҳисоботлари юзасидан партия комитетларининг пленумлари ва коммунистларнинг йиғилишлари қайта қуришнинг боришини чуқур ҳамда танқидий анализ қилиш асосида сайлаб қўйиладиган партия органларининг, шу органлар секретарларининг фаолиятига талабчанлик билан баҳо беришлари, кадрларга доир етилган масалаларни ҳал қилишлари лозим. Муҳокама чоғида сайлаб қўйиладиган орган раҳбариятини мустаҳкамлаш ёки унинг составини тўлдириш зарурати юзага келган тақдирда, партия комитети пленуми, бошланғич, цех ташкилоти коммунистларининг йиғилиши (конференцияси) шу орган айрим аъзоларини алмаштириши, ўз вазифасини уддалай олмаётган ёки обрўсини тўкиб қўйган ходимларни шу органдан чиқариши, бюронинг, парткомнинг иши қониқарсиз бўлган тақдирда эса уларни қайта сайлаши мумкин.

Қарорда қайта қуриш проблемаларини муҳокама қилиш натижаларини, партия комитетлари пленумларида ва коммунистларнинг йиғилишларида партия турмуши билан жамиятни демократиялаштириш масалаларини юзасидан билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш ҳамда муҳокама якунларидан амалий ишда ва КПСС нинг Бутуниттифоқ XIX конференциясига материалларни тайёрлаш чоғида фойдаланиш чоралари кўзда тутилган.

## Замондошимиз



## Аҳдига вафодор йигит

**Уни аҳдига вафодор йигит, дейишади. Бунинг бонси бор, албатта. Аслн андижонлик Рашид 1966 йилда Совет Армияси сафида хизмат қилаётган кезларда, Тошкентда зилзила рўй берганлигини эшитиб, қаттиқ қайғурди. У кундалик матбуот хабарларидан республикамиз пойтахтида эски типдаги кўплаб бинолар вайрон бўлганлиги, табиат аҳоли бошига катта ташвиш солганлиги — кўпгина оилалар кўча ва ҳнёбонларда вақтинча қурилган палаткаларда истиқомат қилишаётганини билиб, армия хизматидан қайтгандан кейин албатта Тошкентга ишга боришга аҳд қилди. Гап шундаки, Рашид яхшигина сувоқчи ва бўёқчи эди. Бундай касб эгаларн эса Тошкентнинг янги қурилишларн учун жуда ҳам зарур эди. Аҳдига вафодор йигит 12-қурилиш трестининг 50-қурилиш бошқармасига ишга кирди.**

**Ўшандан буён Рашид Юнусалиев ана шу бошқармада сидқидилдан ишлаб келмоқда. У ўтган йилларда ҳаммша ўз касбини ардоқлашга, мусобақанинг олдинги сафида боришга интилди. Сувоқчилик ва бўёқчилик касбларининг сирларини янада чуқурроқ ўрганди. Маҳоратн йил сайин ошиб борди. Унинг ишини кўрган бригадирлар, прораблар, оддий қурувчилар: «Қўлинг дард кўрмасин!» дейишади. Ҳатто у бутун «Главташкентстрой» бўйича бўёқчилар ўртасида ўтказилган мусобақанинг совриндори ҳам бўлди.**

**Ҳалол ва фидокорона меҳнати учун у Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Бугунги кунда у ўз ҳамкасблари ўртасида умумий ишга жонкуярлиги, ишларни аъло сифатли бажаришн топшириқларни сидқидилдан адо этишн билан алоҳида ажралиб туради.**

**Суратда: Р. Юнусалиев.**

**Т. Каримов фотоси**

## Мусобақа ғолиби

Гулнора Маҳкамова ҳалол меҳнати билан коллектив ўртасида эътибор қозонган ишчилардан бири. Мана бир неча йилдирки, у Тошкент химия-фармацевтика заводининг филиалида ўз касбини улуғлаб келяпти. Тажрибали мураббийлар сафидан муносиб ўрин эгаллаган Гулнора бундан бир неча ой муқаддам коллектив йиғилишида бригадир этиб сайланди.

**Йиғма лавозимда ҳам у коллектив ишончини оқлашга интилмоқда. Шонли юбилей йили учун юксак мажбурият олган бригада бирон ой йўқни, ишлаб чиқариш программасини барча кўрсаткичлар бўйича ошиғи билан уддаламаган бўлсин. Ун ойлик планни муддатидан олдин бажарган дорн-шунослар ўтган вақт мобайнида қўшимча равишда 1 млн лион 800 минг дона турли катталикда бинт маҳсулотларини етказиб бердилар.**

**Илғор бригадада байрамолди вахтаси кун сайин авж олятти. Гулбаҳор Шерматова, Гулнора Одилова, Гулчеҳра Ҳакимова сингари ўнлаб комсомоллар кунлик норманн 135 — 140 процент бажарнш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқдалар.**

## Имкониятдан фойдаланиб

«Ивановолик тўқимачилар» массивида «Главташкентстрой»нинг 12-трестига қарашли 50-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширмоқдалар.

**— Бу ерда 9 қаватли ётоқхоналар комплексининг 3 бўлимн фойдаланишга топширилади. Ҳозир комплексининг охирги қисмида ишлар олиб борилмоқда, — дейди участка прораби Ш. Р. Ҳошимов. — Шу билан биргаликда «Ивановолик тўқимачилар» ҳамда «Бошлиқ» массивларнин телефон билан таъминлаш учун 10 минг абонентли АТС қурилиши бошлаб юборилганига кўп бўлгани йўқ.**

**Объектда В. Иванов етакчилик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси қурувчилари бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Бригада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирган. Е. А. Жуков, М. Мирахмедов, Р. Муллажонов, Р. Фозиловлар кунлик топшириқларнин 130—135 процент бажариб бошқаларга намуна бўлмоқда.**

## Планга қўшимча

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига мусобақа «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи эришаётган ютуқларга омил бўлмоқда.

**Тракторсозлар ҳом ашё резерви ва техникадан самарали фойдаланишнинг янги усулларини ишга солишаяпти.**

**Корхонада ўзаро меҳнат беллашувида Р. Н. Магер бошлиқ 31-цех коллективи фахрли ўринни эгаллаб келмоқда. Бу цех коллективи пахтакорларга мададкор техника тайёрлаш билан бир қаторда кенг истеъмол ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратган.**

**Ун ойлик топшириқни муддатидан олдин бажарган тракторсозлар болалар креслоси, кресло, беланчак ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлардан планга қўшимча 16 минг сўмлик тайёрлашга эришишдн.**

## Сиёсий ахборотчиларга ёрдам

Октябрь район партия комитети сиёсий ахборотчиларга ёрдам тариқасида агитколлективларни ташкил этиш, уларнинг структураси ва фаолиятига доир справка-материал тайёрлади. Маълумки, партиянинг сиёсий жангчиси зиммасига бевосита ўзи меҳнат қилаётган бригада ёки участкада масъулиятли жамоат топшириғини олиб бориш вазифаси топширилади. У ҳамкасблари, ўз коллективи ўртасида энг муҳим, актуал масалалар бўйича қизиқарли ва мазмунли суҳбатлар ўтказишга даъват этилган. Справка-материалда уларнинг «Чақмоқлар», «Жанговар варақа»лар чиқаришдан тортиб, иш фаолиятининг формалари, партия ташкилотлари томонидан улар фаолиятини назорат қилиш, бу ишда психология ва педагогика масалалари каби ранг-баранг мавзулар қамраб олинган.

## Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

## ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИБ

Шаҳримиздаги ўйинчоқлар фабрикасининг меҳнаткашлари болаларга манзур бўладиган чиройли қўғирчоқлар тайёрлаб, юбилей йилини меҳнатда самарали кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар.

— Фабрикамизда ҳамма шароитлар мавжуд, — дейди корхона касаба союз ташкилотининг секретари С. Руннева. — Ишчилар учун махсус хоналар, душ ва бошқа дам олиш хоналари бор. Кўнгилли дам — меҳнатга ҳамдам деганларидек, яхши ҳордиқ чиқарган ишчилар унумли меҳнат қилиб, сифатли маҳсулотлар тайёрлашмоқда.

Корхонанинг ишчи ва хизматчиларини бу йилги дам олишлари учун фабрика маъмурияти 1200 сўм пул ажратди. Шанба ва якшанба кунлари корхона ишчилари оилалари билан биргаликда, Самарқанд, Фарғона, Бухорога бориб республикамизнинг диққатга сазовор ерлари билан яқиндан танишиб қайтишди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик тўйи кунигача бажаришга аҳд қилган ишчилар сони фабрикада ортиб бормоқда. Бугунги кунда 5-цехдан Б. Генлина, П. Галстучников бошчилик қилаётган бригада меҳнаткашлари беш йиллик планни икки йилда бажаришга муваффақ бўлишди. Корхонада социалистик мусобақа якунлари ҳар ойда чиқарилади. Ғолиблар эсдалик совғалари ва пул мукофотларн билан тақдирланади. Ишнинг бундай ташкил этилиши фабрикада илғорлар сафининг кенгайишига олиб келмоқда.

**С. ЙЎЛДОШБЕКОВА,**
**Тошкент Давлат университетининг II курс студенти.**

# БИЗ ҲАММАМИЗ ПАХТАКОРМИЗ



## «ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 октябрга бўлган

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Хоразм | 0,61 | 78,60 |
| Бухоро | 0,85 | 76,63 |
| Сурхондарё | 0,04 | 73,52 |
| Тошкент | 0,07 | 69,35 |
| ҚҚАССР | 0,82 | 67,27 |
| Жиззах | 0,16 | 64,69 |
| Сирдарё | 0,10 | 63,01 |
| Фарғона | 0,09 | 62,45 |
| Наманган | 0,04 | 54,27 |
| Қашқадарё | 0,38 | 52,51 |
| Андижон | 0,02 | 49,69 |
| Навоий | 0,55 | 47,48 |
| Самарқанд | 0,26 | 44,99 |
| Республика бўйича: | 0,29 | 61,95 |







## МУНОСИБ СОВҒА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институти санитария-гигиена факультети студентлари Жиззах области пахтакорларига яқиндан ёрдам беришяпти. Меҳнат суръатини кўтариш учун факультетлар, курслар, бригадалар, группалар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилди. Бу мусобақада II ва III курс студентлари жонбозлик кўрсатишмоқда. III курс 1-бригада теримчилари барчага намуна бўлиб, дастлабки беш кунликда биринчиликни қўлга киритишди. Бу муваффақиятда бригада аъзоларидан М. Темирова, И. Мусиров, М. Жалолова, Ў. Ерметова, Г. Болтаева, А. Халиловларнинг ҳиссалари каттадир.

III курс студентлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллик байрами шарафига «Ҳар биримиз уч тоннадан пахта териб берамиз!» деган шиор билан майдонга чиқдилар. Бўлажак шифокорлар меҳнат қилиш билан бирга, дам олишни ҳам кўнгилли ўтказишмоқда. Ишдан сўнг улар телевизор кўриб, радио тинглашяпти, шахмат-шашка ўйнаб, мароқли дам олишяпти.

Институтнинг даволаш факультети студентлари эса Жиззах областининг Пахтакор районидаги «Самарқанд» ва Кичанов номли совхозларда ғайрат билан пахта теришмоқда. Қуйидаги суратларда ана шу факультетнинг илғор теримчиларидан 2-даволаш факультети III курс студенти Ш. Аҳмедова, 1-даволаш факультети I курс студентлари О. Қаҳҳорова ва У. Юсуповларни кўриб турибсиз.

**Р. ГАТИН,**
**катта ўқитувчи.**

**Д. Тайберг** фотолари.

# Тракторсозлар билан ёнма-ён

**СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида фаолият кўрсатаётган бу кадрлар ўчоғи яқинда ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Чиндан ҳам шу давр ичида 36-ўрта ҳунар-техника билим юрти ҳар томонлама кенгайиб, мустаҳкам ўқув-техника базасига эга бўлди.**

Мазкур даргоҳ уч мингдан ортиқ муносиб ўринбосарларни мустақил меҳнат қучоғига тайёрлади. Бу малакали кадрларнинг кўпи ҳозир шу корхонада фаол меҳнат қилмоқда. Моҳир тракторсозлардан Д. Исматова, Р. Шангаров, А. Хромушкин, Л. Томина ва бошқалар билим юртида ўқиб, фойдали ҳунарнинг бошини тутганликларидан фахрланадилар.

Таълимни амалиёт билан қўшиб олиб бораётган мазкур даргоҳда бўлажак ишчи кадрлар билан ишлаш намунали йўлга қўйилганлиги учун педагогик коллектив қатор мукофотларга сазовор бўлди. Билим юрти коллективи таълим-тарбия соҳасида ўтган йилги ютуқлари учун эса ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети томонидан таъсис этилган А. Бусигин номли Бутуниттифоқ вимпели билан муносиб тақдирланди.

Муносиб ўринбосарлардан бир неча киши профессионал маҳорат учун ўтказилган Бутуниттифоқ ва республика конкурсларига муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритдилар. «Касбининг моҳир устаси» республика конкурсида ўқувчи Г. Коношенки эса биринчи ўринни эгаллади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллик юбилейи шарафига республикамиз ҳунар-техника билим юртлари ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақада бўлажак тракторсозлар олдинги ўринларда боришаётир. Бу билан кадрлар ўчоғини ўз отилигига олган корхона коллективи ҳам фахрланмоқда.

**А. АЛИЕВ.**

# ОПА-СИНГИЛ ТИКУВЧИЛАР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида Марғуба Исмоилова номини ҳурмат билан тилга олишади.. Бунинг боиси бор, албатта. Бу меҳнатсевар қиз бирлашманинг 2-тикувчилик цехига 127-ҳунар-техника билим юртини битириб келганда устози Александра Вергунь унинг чевар бўлишига кўзи етган эди. Ҳозир Марғуба ўз устозидан беҳад миннатдор.

— КПСС Марказий Комитетининг июнь (1987 йил) Пленумида қайта қуришнинг тақдири бошланғич партия ташкилотлари ва партия группаларига боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам бошланғич ташкилотлар янгиланишнинг олдинги сафларида бораяптилар. Цехимиз коммунистлари бугунги кунги асосий вазифа — масъулиятни чуқур ҳис этувчи кадрларни тайёрлашдан иборат, деб билмоқдалар, — дейди биз билан суҳбатда Марғуба Исмонлова. — Бизлар шу кунларда ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишлашга интиляпмиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллиги юбилейини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олишга аҳд қилганман. Мен кунлик, ойлик план топшириқларини 140—150 процентдан ошириб адо этаяпман. Мен куни-кеча 1988 йилнинг июнь ойи планини муваффақиятли адо этиб, июль ойи ҳисобига маҳсулот топшира бошладим.

Ҳа, дарҳақиқат сўзи билан иши бир чевар кўпчиликка намуна бўляпти. Дарвоқе, ҳамкасблари уни улкан меҳнат муваффақияти билан қутлаб, гулдасталар тақдим этдилар. Фақат 2-цехдагина эмас, балки бутун бирлашмада ҳам у ўзининг яхши ташаббуслари билан танилган.

Цех коллективи шу кунларда «Улуғ Октябрга — зарбдор меҳнатимиз» шиори остида меҳнат қилмоқда. Бунда унинг дугоналари КПСС аъзолари Гулчеҳра Тўлаганова, Меҳри Тўраева, ВЛКСМ аъзоси Дилфуза Солиева, Омина Мирмаҳмудова, Ҳабиба Нишонова, Гулнора Ғуломовалар ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бормоқдалар. Улар вақтдан ўзиб ишламоқдалар. Маҳсулот сифати учун ҳам астойдил жон куйдирмоқдалар.

КПСС аъзоси М. Исмоилова доимо ёшларга ғамхўр ва меҳрибон. Улардан ўз тажрибаларини асло аямайди. ВЛКСМ аъзолари Маҳмуда Ҳожиева, Ақида Юсупова, Малика Жамолиддинова лар шу кунларда «Шогирд муррабийга тенглашсин» шиори остида ишлаб, қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Марғуба звено бошлиғи ҳамда партия группасининг ташкилотчисидир. Марғубанинг синглиси Мунира ҳам пешқадам тикувчилардан. У 1978 йилда опаси ишлаётган 2-цехга ишга кирган эди. ВЛКСМ аъзоси Мунира Исмоилова ҳам жамоат ишларида актив. У ҳозир Диля Болтаева етакчилик қилаётган бригадада фидокорона меҳнат қилаяпти.

Ҳалол, фидокорона меҳнат инсонни эъзозлайди, унинг обрўсига-обрў қўшади. Буни опа-сингил тикувчилар ҳаётидан ҳам яққол кўриш мумкин. Улар ўз бахтларини фидокорона меҳнат туфайли топишди.

— Аслида, — дейди биз билан суҳбатда Мунирахон, — мураббия бўлмоқчи эдим. Лекин орзуим амалга ошмай қолди. Кейинчалик тикувчиликка ҳавас бирлашмага бошлаб келди. Бизларнинг онламизни тикувчилар оиласи деса бўлади. Опам Маъмура, Малоҳат ателъда тикувчи бўлиб ишлашади. Опам Насиба 3-фабрикада тикувчи бўлиб ишлайди. Биргина Муҳаббат бизнинг касбимизни хоҳламади. Лекин у ҳам тикишни билади. У «Узгипроводхоз»да ишламоқда.

Ҳа, ҳақиқатан ҳавас қиласан, киши. Беш опа-сингил чевар — бир оиладан. Бир-биридан хушмуомала, бир-биридан ўктам, бир-биридан меҳнатсевар.

Меҳнат қилган дур терар, дейди доно халқимиз. Ҳа, опа-сингил Марғуба ва Мунирахонлар меҳнат қилиб элга танилмоқдалар, олқишга сазовор бўлмоқдалар. Академик шоиримиз Ғафур Ғулом айтганидек:

**Тақдирин қўл билан яратур одам,**
**Ғойибдан келажак бахт бир афсона.**

Мана, смена ҳам тугади. Бирлашмадан опа-сингил Марғуба ва Мунирахонлар чиқиб келишмоқда. Уларнинг юзларида табассум. Чеҳраларидан бугунги меҳнатларидан мамнунликлари сезилиб турибди. Уларни ҳовлида учратган бирлашма партия ташкилотининг секретари Санда Сандахмедова Марғуба ҳақида шундай дейди:

— У бирлашма коллективи ўртасида ўзининг яхши фазилатлари билан танилди. Ўз ишига жиддий ёндашади. Доимо ташаббускорлик кўрсатади. Актив жамоатчи, ташкилотчи, меҳрибон мураббий, меҳнатсевар тикувчи, камтар инсон сифатида танийлиз. У «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотланган. Биз у билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Сингласи Мунира ва бошқалар ҳақида ҳам худди шундай фикр билдиришди. Опа-сингил чеварлар, сизларга бахт ёр бўлаверсин!

**Ҳ. ИНОҒОМОВ,**
**жамоатчи мухбиримиз.**



«ХИЁБОНДА». Т. Каримов фотоси.





## Луқмони ҳакимнинг ўз ўғлига насиҳатлари

У ўз ўғлига айтди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут, одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса, уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, ўтиришларда одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйига осилтириб ўтирма, ўнгу-чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида ёвуз-ровга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳеч суҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан ҳеч чада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзинга бино қўювчи ва такаббурлардан ёвдан қоч. Сенга иш буюрсалар — албатта бажар. Ҳаваъда қилсанг — албатта бажар. Ҳокимни ранжитма».

## Дилкаш савол-жавоб

Сўрадим: «Содиқ дўстнинг нишонаси қандай?» Айтди: «Шундайки, хатоларингни бировга ошкор қилмайди, панду-насиҳати билан тузатади, сиринғни бировга ошкор қилмайди, ўтмишдаги ишларингни юзингга солмайди». Сўрадим: «Қандай қилсам хотиржам бўламан?» Айтди: «Бировни қўрқитма, дўстларингни ўзингдан совутма».

Сўрадим: «Яхшилик қандай бўлади?» Айтди: «Бирор нарса умид қилмаган ҳолда ўзини камтар ва паст тутиш. Саҳийлик қилиш, аммо уни миннат қилмаслик. Хизмат қилиш, аммо ҳақини талаб қилмаслик. Сўрадим: «Ҳаётни қандай осон ўтказиш мумкин?» Айтди: «Софдиллик, тўғридам ва тамагирликсиз».

Сўрадим: «Нима қилсам одамлар менга яхши кўради?» Айтди: «Муомалада кўплик қилма, ёлғон гапирма, тил билан бировнинг дилини оғритма». Сўрадим: «Илм ўрганишдан нима топилади!» Айтди: «Ўқисанг, буюк ном топасан, камбағал бўласанг, бой бўласан, элга танилган бўласан, яна ҳам таниласан».

**Маҳмуд ҲАСАНОВ тайёрлаган.**

# Маданий тадбирлар

Ҳар тўғрида

Акмал Икромов райони маданият муассасаларида юбилей арафасида тайёргарлик қизғин паллага кирди. Усмон Юсупов, Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйлари, Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Ватан» кинотеатри, 14 та оммавий кутубхона ва 3 та болалар музика мактаби коллективлари район меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқда. Юбилейга бағишлаб ўтказилаётган халқ ижодиётининг иккинчи тур Бутуниттифоқ фестивали доирасида жами 60 дан ортиқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари иштирок этди. Улардан 14 таси шаҳар кўрик конкурсларида қатнашдилар.

Юбилей арафасида, шунингдек янги-янги нжодий коллективлар ташкил этилди. «Ҳуррият» аёллар фольклор этнографик ансамбли, миниатюра театри, «Келинг, бир кулишайлик» аскиячилар клуби, «Садаф» вокал-чолғу ансамбли, «Истеъдод» ёш қаламкашлар клуби, «Онлавий учрашув»лар, «Ўсмирлар» клублари шулар жумласидандир.

Барча сиёсий-тарбиявий ва оммавий маданий тадбирлар бутун йил давомида аниқ план асосида ўтказилмоқда. Айниқса, аҳоли турар-жойларида, маҳалла ва квартал клуб-чойхоналарида тематик кечалар, турли мавзуларда савол ва жавоб кечалари, лекция ва суҳбатлар, «Октябрь тенгдошлари — партия, уруш, ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, кўча ва маҳалла байрамлари бўлиб ўтмоқда. Район маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Мен яшаб турган район», «Иқтисод» маҳалласидаги «Бахтимизни куйлаймиз», «Октябрь самараси» маҳалласидаги «Октябрни шарафлаймиз», «Янгича урф-одатлар байрами», Атоий кварталидаги «Бизнинг кўча унинг номи билан аталган» тадбирлари кеча иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Маданият масканларида ташкил этилган «Октябрга — 70 йил», «Сўнмас 1917 йил инсоният тараққиёти ва Улуғ Октябрь», «Икки дунё, икки тақдир» сингари темадаги лекторийлар, китоблар жавони ва бурчаклар, стенд ва фотокўргазмалар ташкил этилди.

Октябрь байрамлари тантанаси арафасида ва байрам кунларида маданият ва истироҳат боғида, кинотеатр залларида, Мақсуд Шайхзода номли кўчада, маданият уйларида, аҳоли турар жойларида оммавий сайллар, тематик кечалар, учрашувлар, суҳбатлар ўтказилиши режалаштирилган.

### МИГРАЦИЯ ОҚИБАТЛАРИ

Кейинги йилларда Хитой судлари ҳар йил тўрт юз мингга яқин қўйди-чиқди ишни кўради, бу ўтган ўттиз йил ичида йил мобайнидаги билан бирга бар. Мутахассислар, эркаклар кўпчилигининг қишлоқ районларига кўчиб кетиши ва шунинг оқибатида олдинги никоҳларни «унутиб» юборишлари натижаси дейишмоқда.

### ЧЕКИШ ВА ОНАЛИК

Болалик бўлиш имконияти дан маҳрумлик, чала туғиш она сутини эмганда болани мунтазам заҳарланиши — бу иллатлар аёлларнинг чекишга ружу қўйганликларининг оқибатидир. Чекувчи аёллар проблемаси энг муҳим масала эканини Япония соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлиги тайёрлаган «Оқ китоб»чекиш билан кураш проблемаси бўйича ўтказилади ган халқаро олтинчи конференцияси очилишига бағишлаб чиқарилган Бу конференция ноябрда Токиода очилади.

Кунига бир пачкадан сигарета чекадиган хотинларнинг 2 проценти ўлик бола туғади, бундан кўп чекадиган хотинларда бу рақам 35 процентга кўтарилади.

### УЧ ЮЗ ЙИЛДАН КЕЙИН-А..

Миллионлаб инглиз ўқувчилари янги ўқув йили бошланишида узоқ йиллар қутилган совға олдилар. Бундан буён Британия педагогикаси арсенилидан интизом сақлашнинг самарали линейка ёки қайси бир шундай воситаси чиқарилиб ташланди. Парламент қабул қилган қонун билан мактабдан жазоси бериш бекор қилинади. Бу қонунни бузган ўқитувчи тан жазоси берганлиги айбланади ва жазога тортилади. Парламентдагиларга шундай қонунни қабул қилиш учун 300 йил керак бўлибди...

### КЎПЧИЛИК ҚАРШИ

Бундан икки йил олдин Сингапур бош министри Ли Кун Ю олий билимдон эркак ва аёл зодагонларнинг танишлари учун клуб ташкил этишга уринибб кўрди. Унинг фикрича, бундай учрашувларни ташкил этишдан мақсад учрашадиганларнинг никоҳларини уюштириш ва соғлом авлод вужудга келишини таъминлаш кўзда тутилган эмиш.

Аммо бош министр бу мўлжалидан воз кечишга мажбур бўлди, чунки аҳолининг кўпчилик қисми бу хил мажбурий никоҳ нақшлар ғояси ўхшаб кетишидан бошқа нарса эмас деб рози бўлишмади.

Русчадан
**Аҳад НОСИРОВ**
**таржимаси.**

# Нафислик яратаётганлар

**Тошкент чиннисининг дов-руғи кўпгина социалистик мамлакатларга ҳам таралган. Ҳамшаҳарларимиз меҳнати билан бунёдга келаётган лаганлар, косалар ва бошқа буюмлар ўзининг бежиримлиги, нафис безаклари, гўзаллиги билан киши қалбини ром этади. Магазин пештахталарида турган чинни идишларни кўрган харидор улардан беихтиёр кўз узолмай қолади. Ана шундай гўзалликни яратаётганлар орасида комсомол аъзоси Зулфия Аҳмедова ва унинг қадрдон дугоналари ҳам бор. Уларнинг самарали меҳнатлари Тошкент чинни заводида муносиб баҳоланмоқда.**

**Зулфиянинг корхонада меҳнат фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Корхонага дастлаб келганида чаққон ҳаракат қилаётган қизларни кўриб, ҳаваси келганди. Дастгоҳга ҳозироқ ўтириб, оппоқ чинниларга улардек жило бергиси келди. Аммо у ўйлаган нарса дарҳол бўлмади. Аввалига тажрибали ишчилардан Н. Қосимова, Ғ. Алимов сингарилар касб сирларини ўргатишди. Вақт ўтган сари маҳорати ортиб борди. Топширилган вазифани пухта бажарганлиги, жамоат ишларида актив қатнашгани учун ҳамкасблари уни бригадир этиб сайлашди. Орадан кўп ўтмай ишчан қизга коллектив яна бир бор ишонч билдирди. Зулфия Собир Раҳимов район Советига депутат бўлди.**

**Айни кунларда З. Аҳмедова дўстларининг ишончини оқлаш учун бутун куч ва ғайратини, билимини ишга солмоқда. Бригадирнинг шахсий намунаси чиннисозларни ҳам самарали меҳнат қилишга ундамоқда. Шу боисдан комсомол-ёшлар орасида Наргиза Исаева, Аброр Дўстмуҳамедов, Ғафур Алимовлар пешқадамлик қилишмоқда. Улар кунлик нормаларини 110—120 процентга етказиб бажаришга муваффақ бўлишаяпти.**

**Зулфиянинг номини фақатгина ишлаб чиқариш илғори, иноқ бригада бошлиғи сифатидагина эмас, балки актив жамоатчи, меҳрибон мураббий сифатида ҳам тилга олишади. Халқ вакили ариза билан ҳузурига келаётган меҳнаткашларга кўмаклашиб, райондаги маҳалларнинг ободонлашишига ҳисса қўшаяпти. Бунинг учун аҳоли комсомол қизидан миннатдор бўлаяпти. Шу кунларда тўрт нафар шогирдга гул чизиш технологиясини ўргатмоқда.**

**Илғор бригада аъзолари — тяшаббускор. Жумладан, улар заводда биринчи бўлиб, қолоқларсиз ишлаш шиорини ўртага ташладилар. Ҳозирги кунда уларнинг издошлари сони ортиб бораяпти. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик тўйи нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йиллигининг икки йили планини бажаришни режалаштириб олганлар.**

**— Бригадамиз аъзолари «Оҳу», «Пахта» сервиси комплектининг кунига 100 донасига, рўзғорнинг бошқа чинни буюмлари, турли вазаларга гул чизадилар, — дейди ВЛКСМ аъзоси З. Аҳмедова. — Юбилей йилининг тўққиз ойлик топшириғи 113 процент бажарилди. Чиннисозларимиз шу кунларда 1988 йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Бригадамизга «Сифат бригадаси» номи берилди, пардозлаётган буюмларимиз фақат юқори баҳоларга қабул қилинаяпти. Шунинг ўзи меҳнатимизга муносиб мукофотдир.**

**Д. ОБЛАЕВ.**

**СУРАТДА:** корхона ишчилари М. Қаюмова ва М. Нормотова.

Р. Шарипов фотоси.



# Телефонда гаплашиш одоби

Ҳар биримиз бирор бир шахс, суҳбатдош билан гаплашганда одоб, маданият талаб этилганидек, телефон орқали сўзлашиш ҳам суҳбатдошдан юқори маданият, одоб талаб этади. Оқшомхон бизга: «Нутқнинг ҳам маданияти, одоби бўладими?» деган саволни бериши мумкин. Ҳа-да, кишининг нутқи маданий бўлмаса, унинг гўзал кўриниши-ю, дид билан кийинишининг қиммати — бир пул бўлади-да.

Кишиларнинг феъл-атворлари бир хил бўлмаганидек, уларнинг гапириш услублари ҳам, одатлари ҳам турлича. Телефон жиринглаганда биров трубкани олиб «Ҳа!» дейди, биров «Лаббай!», яна биров «Алло!» ёки «Мен эшитаман!» дейди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, уй шароити билан жамоат ерларида телефон трубкасига айтиладиган жавобда бир қадар фарқ бўлмоғи лозим.

Бинобарин, шахсий уй телефонингизни (номерингизни) билган киши сизга телефон қиларкан, албатта сизнинг кимлигингизни яхши билади. Унга сиз «Алло!» дейишингиз ҳам, «Лаббай!» дейишингиз ҳам, «Мен эшитаман!» дейишингиз ҳам мумкин. Лекин, ишхона, поликлиника, корхоналарга турли-туман одамлар (шахсий ёки жамоат иши билан) телефон қилишади. Шунда сиз «Лаббай!» деб жавоб қайтарсангиз савол-жавоб яна давом этаверади: яъни, қўнғироқ қилаётган шахс аввало «лаббай» деган сўзнинг маъносига тушунмаслиги мумкин, тушунган тақдирда, у яна «Бу фалон ишхонами?», «Қаерга тушиб қолдим?» деган саволларни беради; сиз унга қайта-қайта жавоб қиласиз.

Фикримизча, жамоат муассасаларида расмий кишиларнинг трубкага айтадиган жавоблари — ўша бутун дунё қабул қилган «Алло!» сўзидан бошланавериши керак. Сўнг қўнғироқ қилувчининг «Бу ишхонами?», «Бу поликлиникамі?», «Институтми?» деган саволларини кутиб ўтирмай, «Алло, институт, котиба эшитади!», «Алло, поликлиника, регистратура!», «Алло, тикувчилик корхонаси!», «Алло, ателье!» каби жавоблар бўлиши ҳар икки томонга қулайлик туғдиради. Шунда анча-мунча вақт ҳам тежалади, саволларга ҳам ҳожат қолмайди.

Умумий маданиятга кўра, қўнғироқ қилувчи трубкадан жавоб иборасини эшитиши билан, «Алло!» сўзини талаффуз этади ва дарҳол салом беради. Одат бўйича (яъни, телефон суҳбати маданиятига биноан) қўнғироқ қилувчи дарҳол ўз исми-шарифини қайд этмоғи, ўзини маълум қилмоғи лозим. Ундан сўнг мақсадга кўчилади. Қўнғироқ қилувчи эшитувчига ўзини таништирмай, «Мени танидингизми?», «Танимаяпсизми?», «Қани, топинг-чи», «Кимга ўхшайман?» каби ноўрин луқмаларни ташлаши ниҳоятда бадҳазм одатдир. Ўзини билган маданиятли кишилар бундай бемаза ҳазилларни қилишмайди. Шунга ўхшаш, баъзи кишилар уйга қўнғироқ қилишади-да, салом-аликни бир ёққа йиғиштириб қўйиб, «Менга фалончини чақириб юборинг!» деб тўмтоқ гап қилишади. Бунда эшитувчи «Ким сўраяпти?», «Ким бўладилар?», «Нима ишингиз бор эди?» деган саволларни бериши табиий. Лекин шунда ҳам у тўмтоқ одам: «Ишхонадан гапиряпман», «Мен оғайниси бўламан», «Унда гапим бор эди» каби жавобларни қилиб, негадир ўз исмини махфий тутади. Бундай муносабат одобсизлик ҳисобланади.

Умуман кичиклар катталарга телефон қилганларида, одоб юзасидан, суҳбат тамом бўлгач, узр сўрашлари ва катталардан кейин трубкани қўйишлари лозим.

Иш жойларидаги телефонларда ўзининг шахсий иши юзасидан ҳадеб гаплашавериш, ўтирганларга халақит қилиш ҳам одобли кишининг иши эмас. Жуда зарур бўлгандагина, ходимлардан узр сўраб, қисқа муддатда гапиришиб олиш зарар қилмайди.

Телефон узоқни яқин қиладиган дастёри беминнат. Лекин унга кеча-ю-кундуз осилиб олиб, соатлаб гап сотиш бекорчи кишиларнинг иши.

Телефон нутқи умумий нутқ маданиятимизнинг ажралмас бир бўлагидир.

Хушмуомалалик, хушсуҳанлик — инсоннинг энг юксак фазилати эканини унутмайлик.

**Мақсуда СОДИҚОВА,**
**филология фанлари кандидати.**

# КЎКАНИНГ ХОСИЯТИ

Ўсимликлар оламида

Кўка кўп йиллик ўсимлик бўлиб, жилға бўйларида, тоғли районларда, ўтлоқларда ўсади. Бўйи 5-30 сантиметргача етадиган бу ўт ўсимлигининг пояси қизил-қўнғир тусда, тангачасимон барглар билан қопланган бўлади. Пояси мева пишгандан сўнг қуриб қолади, сўнгра узун баргли илдиз олди барглари ўсиб чиқади. Тўп барглари думалоқ, узун бандли, барг пластинкасининг пастки томони сертук, оқиш, юқори томони эса яшил, туксиз, гулларги сариқ бўлиб, саватчага тўпланган.

Кўка қадим замонлардан бери халқ табобатида ишлатилади. Буюк олим Абу Али ибн Сино бу ўсимлик баргидан турли касалликларни даволашда фойдаланган. У ўсимликдан кўкрак оғригида, нафас олиш қийинлашганда, нафас йўллари яллиғланганда балғам кўчирувчи дори сифатида фойдаланган маълум.

Кўканинг ишлатилиши ҳамин-кадар: барг порошоги нафас қисиши, ҳансираш, қуритилмаган барг шираси эса безгак ва ўпка сили хасталикларида терапевтик омил сифатида ишлатилади. Ўсимлик баргидан ёки гулидан тайёрланган дамлама меъда-ичак, буйрак, юқори нафас йўллари яллиғланиши хасталикларини даволашда яхши наф беради.

Дамлама ёки қайнатма тайёрлаш учун бир стакан сувга баргининг йирик порошогидан 15 грамм солиниб бир оз қайнатилади, кейин докада сузилади, тайёр бўлган дамламадан ҳар 3 соатда бир ош қошиқдан истеъмол қилинади. Ўсимлик барги майдаланган ва донадор ҳолда махсус қутичаларда дорихоналарга чиқарилади. Шунингдек, ўсимлик баргидан таблетка ҳолида ҳам препарат ишлаб чиқарилмоқда. Бу дори нафас йўллари шамоллаганда ва йўтал қолдирувчи ажойиб малҳамдир.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**фармоналик доришунос.**



## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ **ВАРШАВА.** Польша пойтахтида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши машинасозлик соҳасида ҳамкорлик комитетининг навбатдаги мажлиси тугади. Комитет Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг навбатдан ташқари 43-мажлиси қарорларини амалга ошириш тадбирларини кўриб чиқиб ва маъқуллаб, машинасозлик соҳасида ҳамкорликни такомиллаштириш чораларига алоҳида эътибор берди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача фан-техника тараққиёти комплекс программаси доирасида «комплекс автоматлаштириш» устун йўналишини амалга ошириш соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида бундан буёнги баҳамжиҳат ҳаракатларни кенгайтириш тадбирлари маъқулланди. Бу тадбирлар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида тўла автоматлаштирилган ишлаб чиқариш — заводлар ва цехлар барпо этиш ҳамда уларни фойдаланишга топширишни кўзда тутади.

⊙ **НЬЮ-ЙОРК.** Франциянинг Тинч океанидаги денгиз орти территорияси — янги Каледонияда вазиятни узоқ муддатли сиёсий бартараф этиш ўз тақдирини чинакамига ўзи эркин белгилашни тақозо этади, дейилади БМТ бош ассамблеясининг васийлик ва ўзини-ўзи бошқармайдиган территориялар масалалари билан шуғулланувчи тўртинчи комитети қабул қилган резолюция лойиҳасида. Маълумки, шу йилнинг сентябрида янги Каледонияда ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисида референдум бўлиб ўтди. Унда оролларда яшовчи аҳоли — канакларнинг катта группаси қатнашмади. Комитет қабул қилган ҳужжат янги Каледония халқининг мустақилликка эришишдан иборат ажралмас ҳуқуқини тасдиқлайди ва Франция ҳукуматини Каледония халқи ўз тақдирини чинакамига ўзи белгилашини амалга ошириши учун территориядаги аҳолининг барча табақалари билан мулоқотни бошлашга даъват этилади. Резолюция лойиҳаси БМТ Бош ассамблеяси 43 сессияси делегатлари тасдиқлаши учун тақдим этилади.

⊙ **ПАРИЖ.** Францияда қуролсизланиш учун кураш умуммиллий ҳаракат куни ўтди. Бу тадбир БМТ қарорига мувофиқ ўтказилаётган қуролсизланиш учун кураш ҳаракати ҳафталиги муносабати билан Франция тинчлик учун кураш ҳаракати ташаббусига биноан ўтказилди.

Ҳаракат кунлари доирасида Парижда, миллат мажлиси биноси олдида Франция тинчлик тарафдорларининг митинги бўлиб ўтди. Митинг барча ядро синовларини дарҳол тўхтатиш ва ядро аслаҳахоналарини қисқартириш учун кураш шиори остида ўтди. Унда касаба союзларининг, уруш ветеранларини бирлаштирувчи уюшмаларнинг, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек Франция Компартиясининг делегацияси қатнашди.

Умумий меҳнат конфедерацияси касаба союз бирлашмасининг секретари Бернар Лакомб митингда сўзлаган нутқида Франция ҳукумати амалга ошираётган ҳарбий ҳаражатларни кўпайтириш йўлини қоралади. Бу йўл инсизлик проблемаси янада кучайишига олиб боради.

Сўнгра митингда сўзга чиққан нотиқлар Франция ҳукумати қуролсизланиш учун кураш ҳафталиги арафасида Мурароа оролида навбатдаги ядро синовини ўтказганлиги фактига эътиборни қаратдилар. Шу муносабат билан улар қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга ва оммавий қирғин қуролларини тугатишга Франция ҳар томонлама кўмаклашиши зарурлигини таъкидладилар.

⊙ **САН-ФРАНЦИСКО.** Америкадаги урушга қарши ҳаракатнинг фаол қатнашчиларидан бири Катв Комисарук 20 йил қамоқ жазосига ва ярим миллион доллар жарима тўлашга ҳукм этилиши мумкин. Сан-Францискода яшовчи 28 ёшли бу аёл шу йилнинг 2 июнь куни АҚШнинг Калифорния штатидаги Ванденберг ҳарбий-ҳаво кучлари базасига кириб, «Навстар» системасида қўлланиладиган компьютерни бузди. Бу система эса қитъалараро баллистик ракеталарни нишонга йўналтириш ва космик қурол-яроғлар системаларини бошқаришга хизмат қилади.

Комисарук АҚШнинг ҳукмрон доиралари авж олдираётган ядровий қирғин урушига тайёргарлик кўришга қарши чиқиб, халқаро ҳуқуқ нормаларига батамом мувофиқ тарзда ҳаракат қилдим, деб айтмоқда. Аммо Лос-Анжелесдаги федерал судья душанба куни бўлган дастлабки суд мажлисида Комисарукка ўзини ўзи ҳимоя қилиб тинчликпарварлик далилларини келтириш ҳуқуқини батамом рад этди. АҚШдаги урушга қарши ҳаракат доираларида 10 ноябрь куни Комисарук иши юзасидан бўладиган судни расмий маъмурлар Америкадаги тинчлик тарафдорларидан яна бир намунавий юридик ўч олишга айлантириб юборишга интилмоқдалар, деб ҳисоблашмоқда.

### ТУЯЛАР МУЗЕЙИ

**Монголия Халқ Республикаси Жанубий Гоби аймоғининг Далон-Дзадгада шаҳрида нодир туялар музейи мавжуд. Бу музей 1975 йили ташкил этилган.**

**Вазни қарийб 600 килограммга тенг, ичига нохол тўлдирилган туянинг макети музейнинг энг нодир экспонати ҳисобланади. Виставка ҳар йили янги экспонатлар билан тўлиб бормоқда. Жумладан, улар орасида тўда йўл бошловчиларининг овози ҳам бор.**

**Музейнинг ана шу аймоқда жойлашгани ҳам тасодифий эмас. Бу ерда республиканинг бошқа аймоқларидан кўп — 150 минг туя бор. Икки давлат наслчилик фермаси зотдор ҳайвонларни мамлакатнинг ва хорижий давлатларнинг хўжаликларига етказиб бермоқда. Жумладан, маҳаллий зотни яхшилаш мақсадида**

Калейдоскоп

Қозоғистонга 180 та туя жўнатилган эди.

Гоби аймоғларидаги юк ташишнинг 30 процентини ана шу «саҳро кемалари» ўз зиммасига олган.

### КУБАДА БИРИНЧИ

**Кубада биринчи бўлиб ўзганинг юраги ва ўпкаси кўчириб ўтказилган бемор ўзини қониқарли ҳис этмоқда. 1986 йил 27 декабрда пойтахтдаги Анакука Амейхейраслар номидаги клиникада 35 ёшли Ана Сесилия Вальдес операция қилинган эди. Бунгача қадар касалликнинг ўтиши унинг соғайиб кетишига умид қолдирмаган эди. Ҳозир Кубанинг энг яхши кардиологлари беморнинг сиҳат-саломатлигини диққат билан кузатиб боришмоқда.**

# ШАНБА ОҚШОМИ

Умри боқий дўстлик

## ҲАМКОРЛИК

Афғонистонлик режиссёр ва драматург Фозилмуҳаммад Фазлий Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келди. У аввал Москва театрлари фаолияти билан танишди. Сўнгра республикамизга сафар қилди. Тошкентдаги опера ва балет, Фарғонадаги М. Горький номли театрда бўлди. Фарғонада Ҳ. Ҳ. Ниёзий қабрини зиёрат қилди, музейи билан танишди. Тошкентга қайтгач Й. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрига бориб, «Гаврош» спектаклини томоша қилди, актёрлар билан суҳбатлашди.

— Бизнинг театр пушту ва дари тилларида спектакллар қўяди, — дейди Фозилмуҳаммад Фазлий. — Саккиз юз ўринли биномиз бор. Лекин томошаларга ҳар куни уч юзга яқин одам келади. Чунки душманлар кишиларининг театрга боришига ҳар томонлама қаршилик кўрсатади. Сабаби, спектакллариниз А. Чеховнинг «Оқ чорлоғ», М. Горькийнинг «Она», Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», Ҳамзанинг «Ишқ қурбонлари», Ч. Айтматовнинг «Биринчи ўқитувчи», «Асрга татигулик кун» каби асарларидан иборат. Бу, душманларимизга ёқмайди, албатта.

Сизнинг диёрингизга сафаримиздан мақсад, ўзбек театрлари коллективлари билан ҳамкорлик шартномасини тузишдир. Ўзбекистон театрлари коллективлари Афғонистонга бориб спектакллар қўйишларини истардим. Ўзим эса бу ерда иккита пьесамни саҳналаштирмоқчиман. Улардан бири революция, иккинчиси дўстлик ҳақида. Ҳозирча ёш томошабинлар театрида Маҳкам Муҳамедов саҳналаштирган «Гаврош» пьесасини олиб кетаман.

Ориф ФАРМОНОВ.

## БУЮРТМА ФИЛЬМ

Ўзбек халқ оғзаки ижодида «Ур тўқмоқ» эртаги алоҳида ўрин тутади. Оғиздан-оғизга ўтиб, кенг тарқалган бу асар яқин орада ўзининг экран талқинини топди.

Марказий телевидение буюртмаси билан яратилаётган «Ур тўқмоқ» мультфильми кичик томошабинларга аталди. Ундаги воқеалар қизиқарли кинолавҳалар орқали акс эттирилади.

Янги лента устида режиссёрлардан П. Амиров билан Н. Смирнов, оператор В. Бахтеевлар иш олиб бормоқдалар. Буюртма фильмда халқ музикаси оҳангларидан кенг фойдаланилади.

М. СЕМЕНОВ.

## ҚЎЛБОЛА ХАБАРЛАР

⊙ Пахта пунктининг хизматчилари ёнғинга қарши кескин кураш олиб бормоқдалар. Бу ерда тартиб-интизом кучайтирилди. Махсус ходага амал қилган хизматчилар иш пайтида сигарет ўрнига нос чекмоқдалар.

⊙ Янги тузилган «Олғир» ва «Чопқир» номли хоккей командалари ўртасида шайбали хоккей мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақа 0:0 ҳисобида якунланди.

Иккала томон ҳар қанча ҳаракат қилмасин... шайбани майдон марказидан асло силжита олмадилар.

⊙ ГАИ ходими уйига хомуш қайтди. Шу куни бирорта ҳам кўча ҳаракати қоидаси бузилмаган эди.

⊙ Югурши мусобақасида дэмко орқада қолаётган Ўлмас Югурдаков бу сафар маррага биринчи бўлиб келди. Буни эшитганлар ҳойнаҳой уни ари қувган деб ўйлашлари мумкин.

Аслида эса... унинг югурдаклик касали хуруж қилиши окибатида у кутилмаган ғалабага эришди.

⊙ Фалончиев 10 метрли симёғочда ўн икки соат ўтириб, маҳалла рекордини ўрнатди. Агар қўшниси итини боғлаб қўймаганида, у рекордни янада узайтириши мумкин эди.

**Музаффар ИСМОИЛОВ,**
**Андижон районидаги 9-ўрта мактаб ўқувчиси.**

## ЧЕРНЕГОРЛИКЛАР ҲАЗИЛИ

### Ботирлиги учун мукофот

Турклар билан бўлган кучли жанглардан кейин кўпгина чернегорликлар ҳарбий кўрикка тўпланишди. Князь сафда турган Трипка Томични олдинга чақирди-да:

— Айтчи, Трипка, жангда қанча туркнинг бошини танасидан жудо қилдинг, — деб сўради.

— Биронтасининкини ҳам, жаноб олийлари.

— Биронта ҳам душман бошини чопмаган чернегорликлардан бирини айта олмайсанми?

— Айта оламан, жаноб олийлари. Бу сиз.

Князь кескин жавобдан хурсанд бўлди ва Трипкани ботирлиги учун медаль билан мукофотлади.

### Эчки ўғрилари

Добрск қишлоқлик Никола Вуйович билан Иван Поповичнинг бир куни эчки ўғирлашди. Бир овлоқ жой топишиб, эчкини сўйишди ва гўштларини Николанинг қариндоши Саво Вуйовичнинг уйига олиб боришди. Бу ерда эчки гўштини пиширибеб маза қилишмоқчи бўлишди. Овқат тайёр бўлгач, дастурхон ёзилди ва ҳаммаси биргалашиб ўтиришганда Саво сўз бошлади:

— Сизлар билан ишим йўқ, мен фақат шўрвасингина ичаман. Ўғирланган эчки гўштини ейиш гуноҳ.

Орадан бир неча кун ўтгач, ўғирлик фош бўлиб, «учовлонни» полицияга чақиришди. Бош соқчи Саво Вуйовични кўриб:

— Саво сени дурустгина ва ишончли одам, деб юрардик, — деди.

— Нима ёмон иш қилиб қўйибман, — деди Саво. — Нима бўпти, ичсам бир коса шўрва ичибман, шунга ҳам шунчаликми. Гўштга мутлақо қўл текказганим йўқ.

— Албатта, қозонга ўзларинг сув қуйгансанлар, аммо унда пишган шўрвани биргалашиб баҳам кўргансанлар. Ўғирланган эчки гўшти солиб пиширилган шўрванинг бир қошиғи ҳам қиммат туради. Бас, шундай экан, сен йигирма талер пул тўлайсан.

Тожибой УНАБОЕВ таржимаси.

## ХАНДАЛАР

Химия ўқитувчиси ўқувчидан сўради:

— Туз ва шакар аралашмасини бир-биридан қандай ажратса бўлади?

Ўқувчи: — Бунинг учун аралашмага бир тўда асаларини қўйиб юбориш керак. Асалари шакарни ейди-қўяди, вассалом, туз эса қолади.

* * *

Расм дарсида ўқитувчи ўқувчи Аҳмаддан сўради:

— Бу нима, ўзи? Мен бу ерда квадратдан бўлак ҳеч нимани кўрмаяпман?

Аҳмад: — Мен ўтлаётган сигирни чизгандим.

Ўқитувчи: Ахир мен ўтни кўрмаяпман-ку!?

— Ўтни сигир еб қўйди.

— Сигир қани?

— Бу ўтлоқда ейдиган ҳеч вақо қолмаганди, нариги йилга ўтиб кетди.

Аъзам МАЪМУРОВ.

## ДАРС

— Са-лом, болалар!

— Салом.

— Ўтиринглар. Қалай, зўрмисизлар! Ўқиб келдиларингми!

Ҳа-а, Нўъмон, келдингми! Кеча кўчада юрувдинг. Нега папирос чекаяпсан! Яна кўрсам, нақ қулоғингни узволаман. Бўптими, хумпар! Ўтир, Хў-ўп... Болачалар, ҳозир ўтган дарсни сўрайман. Тайёрланиб ўтиринглар..

Ух-ҳў! Ух-ҳў!.. Уф-ф! Савил, тумов бўпман шекилли. Иссиқроқ кийиниб юрсам бўларкан. Ҳа, майли, Хўш, ўтган дарсда қандай тема ўтганмиз! Расулова, тур-чи. Гапир. Ҳа, шунақа, гапиролмайсан. Кеча амакингникида тўй бўлдими! Роса ажойиб ўтди-ёв, мен боролмадим-да. Ашулачи бола ким экан, билолмайсанми! Ана, ҳеч нарсани билмайсан. Яна бир марта шунақа қилсанг, «икки» қўяман. Ўтир...

— Бошев, сен жавоб бергин. У-ў, бу бошқа гап. Гапиравер, тойлоқ. Яша... Молодес! Демак, болачалар, эркин тушиш тезланиши ҳақида гаплашганмиз, а! Бошев. Ўтир, Яша! Тошев, нега қийшайяпсан! Дарсни биласанми! Э, турчи ўрингдан, хумпар! Айт темани. Бўлмаса қилпангламай ўтир. Е тушунмадингми! Тушунмадим! Уф-ф... Мана, масалан, мана шу атрофимиз — вакуум. Вакуумми ахир! Бўптн. Шу 3-қаватдан сени ташворсак, сен билан баравар битта ғиштиням ташласак, нима бўлади! Нима! Ғишт бошимга тушади! Бекор гап. Икковинг баравар тушасан. Энди билдингми! Нега бўзрайяпсан! Бўзрайма! Ўтир!.. Энди янги дарс ўтамиз. Ёзиб қўйинглар: «Текис ҳаракат». Айтмоқчи. Шоввозова, сен уйга боргандингда дадангдан секин сўра-чи, япон шубаси бормикан! «Домламиз айтдилар, қолганимиз гаплашаверамиз, дедилар». дегин. Бўптими! Келинойинг кўп хархаша қиляпти-да. Яша, момоқиз. Ўтир.

Хуллас, бугунги тема «Текис ҳаракат»... Ие, вақт бўлдими! Оббо... Майли Шоввозова албатта айтгин-а. Хўп, болачалар, теманн китобдан яхшилаб ўқиб келинглар. Келгуси дарсда ҳар биттангиздан сўрайман. Қани, жавоб бермай кўринглар-чи!... Бўптн, хайр. Янаги дарсгача.

Исажон СУЛТОНОВ,
ТошДУ студенти.

## Биласизми?

⊙ Туя сувсиз икки ҳафта яшай олади ва бу орада вазнининг 30 процентини йўқотади. Аммо шундан кейин у атиги 10 минут ичида 140 литр сув ичиши мумкин.

⊙ Бий — заҳарли ўргимчак, у икки ярим йилгача овқат емай яшай олади.

⊙ Буқаламуннинг тили танасидан икки марта узун бўлади.

⊙ Кенгурунинг бўйи туғилганда 2,5 сантиметр, улғайганида 2,5 метр бўлади.

⊙ Фил вазни 5 тоннагача бўлиб, кунига 90 литр сув ичади. У бир суткада 2—4 соат ухлайди, холос. Филнинг ҳомиладорлик даври 1 йилу 10 ойга чўзилади. «Чақалоғи»нинг вазни 100 килограмм бўлади. Филнинг ҳид билув органи кучли: ўргатилган фил қоғоз пулнинг ҳақиқий пулми ё қалбаки эканини ҳидидан билади.



*

Бахтим кўринг: мен учун
замон куладир,
Қанотида эрк кутиб
даврон куладир,
Гуллар сочиб йўлимга
эркалар замин,
Бошим узра мусаффо
осмон куладир.

Р. Шожалилов фотоэтюди.

*

## Шахмат «сири» нимада?

«Камалак» шахмат клуби

— Ўғлим ўқишда нўноқроқ чиқиб қолди. Айтишларича, шахмат ҳам қобилиятни ўстирармиш. Бир олдингизга олиб келсам, нима дейсиз? — деб қолди бир танишим.

— Жуда яхши бўлади, лекин бир нарсани билиб олсам: ўғлингиз ўқишдан келгач, нима билан машғул бўлади кўпроқ?

Танишим сал хижолат тортгандек ер чизиб қолди. Ўзи олим киши-да! Унинг айтишича, фарзанди анчагина ҳозиржавоб, аммо камҳафсала экан.

Танишим илм соҳиби бўлгунча кўп қийинчиликларга бардош бергани, сабр-тоқат қилганини яхши биламан. Лекин ана шу фазилатлардан озгинасини бўлса ҳам жигаргўшасига сингдира олмаганидан ҳайратда қолдим-у, ҳурмат юзасидан юзига солмадим.

— Олиб келинг, кўрайлик, — дедим.

Тўққиз яшар бола ҳаш-паш дегунча йўлни ўрганиб олди, бир-икки йил орасида ўзидан катталарнинг ҳам кўзини очирмай қўйди. Ичимда: зўр бўладиганга ўхшайди, деб қўйдим. Афсуски, янглишган эканман...

Ўйин кучи маълум бир нуқтага бориб тўхтаб қолгандек бўлди. Назариядан, янгиликлардан гап очсам, унча ҳуши келмагандек кўринар, чуқур таҳлил талаб этувчи вазифаларни чалғитлпа бажарарди. Ҳеч нарса чиқмайдиган. Отасига айтсам, ана шунисига дегман-да, деб қойиди ўғлини... Шу воқеага йигирма йилча бўлибди.

Тошкент яқинида Эрнест деган бола яшарди, фамилияси Ким. Уни республикамиздагина эмас, узоқ юртларда ҳам билишарди. Бунга шахмат сабабчи. Эрнестни беш яшарлигида ота-онаси Республика пионерлар саройига — шахмат тўгарагининг раҳбари Г. Шаҳзоданинг олдига олиб келишганди. У қобилияти билан кўпчилик эътиборини, журналистлар диққатини ўзига жалб этди. Эрнестни мақтай бошлашди, бундан бола талтайиб, ўйини бўшроқ ўртоқларини менсимайдиган бўлиб қолди. Устозининг гапларига қулоқ осмас, у айтган нарсаларни ўз билганича бажарарди.


Тўғри, қобилияти билан анча дуруст натижаларни қўлга киритди: болалар ўртасида шаҳар чемпиони бўлди, бир неча бор Бутуниттифоқ мусобақаларида яхши ўринларни олди. Бироқ, унда маҳорат «тиг»ларини чархлаш учун зарур бўлган чидам, сабр-тоқат хислатлари кам эди. Янглишмасам, Эрнест бундан 15 йил муқаддам Москвадаги физкультура институтида таҳсил оларди, ўшанда республикамиз терма командаси составида ўсмирлар тахтасида биринчи Бутуниттифоқ шахмат олимпиадасида ўйнаб, дуруст натижа кўрсатолмади. Эшитишимча, институтни ҳам, шахмат ўйинашни ҳам тарк этганмиш.


Шахмат одамдаги кўпгина хусусиятларни тарбиялаш воситаларидан бўлиши билан бирга ўз навбатида интизомли бўлишни, нисбатан оз вақт орасида иложи борича унумлироқ меҳнат қилишни талаб этади. Кимнинг бунга иродаси етмас экан, шахмат доналари ҳам ундан ўз сирларини пинҳон тутади, қуруқ «буйруқлар»га жон қулоғини осмайди.

Бундан 200 йил муқаддам яшаб ижод этган машҳур америкалик олим Франклин айтганидек, шахмат ўйини орқали сиз билан биз: узоқни ўйлашга, яъни келажакка кўз ташлаб, оқибатни чамалашга; эҳтиёткорликка, юз берган ҳолатни идрок этишга; шошилмасликка ўрганамиз; ва ниҳоят, ишимизнинг ҳозирги пайтдаги ҳолати кўнгилдагидек ўзгаришига ишониш, янги имкониятлар қидиришни давом эттириш, руҳан тушкунликка тушмаслик одатларини касб этамиз... Лекин такрор айтамизки, буларнинг ҳаммасига эришиш учун маълум даражада тер тўкиш, ишнинг оғир жойи келганда бўйин товламаслик даркор.

Шахмат доналари доимо: «Сендан угина, мендан бугина», деб тургандай, буни унутманг.

ДОНАЛАРНИ ҚУЗҒАТМАЙ





Иккала масалада ҳам оқлар уч юришда мот қилади. Унчалик мураккаб эмас. Кўзингиз етса, шу диаграммаларнинг ўзида ёнғин уларни тахтага териб, фикран, яъни доналарни ўрнидан кўзгатмай ечишга ҳаракат қилиб кўринг.

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
тайёрлаган.

## ҲИСОБ-КИТОБ

### Катталар учун эртак

Бўривойга кафеда тўсатдан Тулкиой йўлиққан эди, қисқагина салом-аликдан сўнг, осмондан тараша тушгандек сўраб қолди:

— Тулкиой, сиз мени севасизми?

Башанг кийинган Тулкиой уялиб кетганидан бошн эгиб деди:

— Бўривой ака, ҳазилингиз қурсин, нималар деяпсиз ўзи?.. Тушунмайроқ турибман...

Бўривой эса энди дағдага аралаш деди:

— Очиғини айтинг, сиз мени севасизми, ё мен сизни севаманми?

Тулкиой алаҳсираб уйғониб кетгандек, кўзлари косасидан чиқаёзди. Чунки, Бўривой ҳазиллашмаётган эди-да.

—Чап томонингиз билан турмаганмисиз, акажон, — ноз-карашма билан буралди Тулкиой. — Биз бир-биримизга таниш, ҳамтовоқдирмиз. Аммо, сиз.. бунчалик бадният бўлманг...

— Очиқроқ айтинг, унда биз киммиз, қар ҳолда акасингил ҳам бўлмасак керак?

— Албатта. Дўстмиз деяпман-ку!

— Тушунарли. Сиз учун жонимни фидо қилишим ҳам шарт эмас экан-да?

— Баракалла. Жонингизни ўз севгилингиз, маъшуқангиз Бўриойга фидо қилаверинг. Менинг ҳам ўз севгилим бор. Ахир сизга ҳеч қачон ҳеч нарса ваъда қилганим йўқ-ку!

— Ростданми?! — Бўривой баттарроқ жаҳлга минди.

— Бўлмасам-чи! Дўстликни, танишликни ҳисобга олмаганда, сиз мен учун бегонасиз...

Бўривой энди ўзини тутиб туролмади-да, шартта Тулкиойнинг думини босди:

— Ундай бўлса, марҳамат қилиб, ўтган ой олган 100 сўм қарзингизни чўзиб қўйсангиз. Вақтида ҳисоб-китоб қилиб турилгани маъқул...

Зокр ТУРСУНОВ.

## ЎТИНГ, БЕГИМ

Латифа

Тақдирнинг тақозоси билан Афанди беклар маҳалласидан бир қизга уйланибди. «Куёв чақирди» кунида куёв болани зўр иззат-эҳтиром билан меҳмонхонанинг тўрига ўтказиб қўйишибди. Шу аснода маҳалланинг калонсалла мулласи-ю, тўрвасоқол эшонлари келиб қолишибди. Афанди дик этиб ўрнидан туриб, тавозе-ла қўл қовуштирибди:

— Ўтинг бегим, ўтинг!

Келганларни ўтказавериб, ўзи пойгакка келиб қолибди. Бу орада яна бир гуруҳ казо-казолар кириб келишибди. Ҳамма ўринларидан дув туришиб, келганларга мулозамат кўрсатишибди:

— Ўтинг бегим, ўтаверинг!..

Сурилаверіб Афанди бутунлай эшик ёнига келиб қолибди. Казо-казо-ю калонсаллалар гап билан бўлишиб, унга эътибор ҳам беришмабди. Бечора аламидан бўғриқиб турган экан, бир пайт алламанинг шарпасини сезиб, бундай қараса, эшакдай келадиган бир ит суяк илинжида сўлагини оқизиб эшик олдида сўлжайиб турган эмиш.

Афанди даст ўрнидан туribди-да, қўлини қўксига қўйиб, унга чуқур таъзим бажо келтирибди.

— Ўтинг бегим, ўтаверинг..

Муҳаммад ПИРРИЕВ.



«РАҚҚОСАЛАР»

Р. Шарипов фотоэтюди.

Бувижон, ўқиб беринг

## ЮЛДУЗНИНГ ТОВУҒИ ТУХУМ ҚИЛАДИМИ?

Кичик ҳикоя

Юлдузнинг онаси магазиндан бир дастра ўйинчоқлар олиб келди. Уларнинг орасида нималар йўқ эди, дейсиз?! Айиқполвон дейсизми, шалпангқулоқ қуёнми, айёр тулкими, ҳамма-ҳаммаси бор эди. Юлдуз ҳар бир ўйинчоқни севиниб, бирма-бир кўздан кечирди. Ўйинчоқларнинг орасида унга ҳаммасидан ҳам кўра кўпроқ кичкинагина чипор «товуқ» ёқиб қолди.

Ойижон, ойижон, буям Озода холамларнинг товуғидақа тухум қиладими? — деб қизиқиб сўради Юлдуз.

— Бу ўйинчоқ-ку, ширин қизим, тухум қилмайди, — деди қизининг гапига кулиб онаси.

— Йўқ, ойижон, бу тухум қилади, қилади, — қайсарлиги тутди Юлдузнинг. У «товуғи» тухум қилишини жудаям хоҳлаётганди-да. Юлдуз чопқиллаб бориб, ошик ичидаги хумчани олди ва ундаги тузни бўш тоғорачага бўшатаётганди, бирдан онаси кўриб қолди:

— Ҳа, Юлдуз, уни нега оляпсан? — деди ҳайрон бўлиб онаси. — Қўй, тузни тўкиб юборасан.

— Йўқ, тўкмайман, тўкмайман! — депсинди Юлдуз.

— Хумча нега керак бўлиб қолди сенга? — ҳайрон бўлди онаси.

— Нега десангиз-чи, ойижон, Озода холамларнинг товуғи-чи, тандирнинг ичида тухум қипти, мен кўрдим. Маним товуғим тандирнинг ичида тухум қилиши керак, билдиз?.. Ҳозир мен ҳам хумчадан тандир ясамоқчиман.

Юлдуз шундай деб, хумчани олиб, ундаги тузни тоғорачага бўшатди ва хумчани токча бурчагига ётқизиб, «тандир»га ўхшатиб қўйди. Унинг таг томонини деворга тиради. Ҳовлидан озгина хашак олиб келиб, «хумча-тандир» ичига солгач, устига «товуғи»ни ўтқизиб қўйди.

Орадан бир-икки кун ўтди. Бироқ, Юлдузнинг «товуғи» тухум қилмади. Юлдуз ҳар куни жиғибийрон бўлиб, «товуғи»нинг тухум қилишини пойлагани-пойлаган. Юлдузнинг «товуғи» тухум қилармикин-а? Ёки у қайсарлиги учун ойисидан кечирим сўрасинми?

Ёқут РАҲИМОВА.

Турфа олам

### ПЕДАЛЛИ САМОЛЕТДА

Педалли «Дедал» самолётида (Массачусетс технология институтига қарашли) узоқ масофага учиш бўйича рекорд ўрнатилди — самолёт 60 километр масофага учиб борди. Аппаратнинг қанотлари узунлиги 34 метр, вазни 41 килограмм, соатига 27 километр тезлик билан уча олади. Ҳозир конструкторлар яна бир педалли самолётни ясашяпти. Унда келаси йили афсонавий Дедал маршрутн бўйлаб Крит оролидан Грецияга (110 километр) учиб ўтиш мўлжалланмоқда.



### ШАҲАРДАН ТАШҚАРИГА ЧИҚМАЙ

Япон чанғичилари «Кадзима» фирмасининг янги нхтироснга катта умид боғлашмоқда. Ўта кучли музлатиш аппаратураси бўлган янги қурилма ёрдамида шаҳар ташқарисига чиқмай йил бўйи машқ қилиш мумкин. Бунинг учун баландлиги 6 қаватли бинога тенг махсус иморатларга музлатувчи трамплинлар ўрнатиладн. Бу трамплинлар ўзўзидан сунъий қор билан қопланади ва чанғида учаверасиз.

### ҲУЖУМЧИЛАР УЧУН СУПУРГИ

Пристон (Англия) футбол клубларидан бирининг айб қилиб қўйган ўйинчилари одатдан ташқари жазога ҳукм қилинади. Рақибларга нисбатан ошкора қўполликка йўл қўйган футболчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш мақсадида клуб раҳбарлари расмий учрашувларда огоҳлантириш олган ёки майдондан чиқариб юборилган барча ўйинчиларни бир ҳафта мобайнида... стадион минбарларини тозалашга мажбур қиладилар. Клуб маъмуриятининг фикрига қараганда бундай қатъий жазо чораси футбол майдонларидаги тартиб бузилишларининг сезиларли даражада камайишига хизмат қилмоқда.

### НАМУНАЛИ ФУТБОЛЧИ

Энцо Бетининнинг номи Италия спорт мухлислари ўртасида кенг шуҳрат қозонган. Спорт шарҳловчилари эса уни футбол соҳасидаги энг билимдон, обрў-эътиборли шахс деб ҳисоблайдилар. Яқинда репортёрлар ана шу мутахассисга мурожаат қилиб, намунали футболчи қандай фазилатларга эга бўлиши лозим, деб сўрадилар. Экспертнинг фикрига кўра «намунали ўйинчи» 25—27 ёшда бўлиши, бўйи 170 сантиметр, вазни 70 килограммдан ошмаслиги лозим. Нима учун, деб сўрайсизми? Бунн мутахассиснинг ўзи билади.

### ФОТОКАЛЕЙДОСКОП



Балиқ, қисқичбақа ва бошқа денгиз неъматларини экспорт қилиш Куба валюта даромадларининг муҳим бандини ташкил этади. 250 хилдан зиёд денгиз маҳсулотларн жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига етказиб бернлмоқда.

Қайта ишлаш саноатининг қувватларн ҳам ошиб бораяпти. Сьенфуэгосдаги балиқ комбинати унинг етакчи корхоналаридан бирн ҳисобланади. Мазкур корхона ўз маҳсулотларнни СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга, Ғарбий Европа давлатларига жўнатади.

СУРАТДА: балиқ комбинати цехида.

Пренса Латина-ТАСС фотоси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

# телепрограммалар

## Душанба

### 2 НОЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.30 Футбол шарҳи. 10.00 «Орзуларимиз изидан борамиз». Пионерларнинг байрам концерти. 10.25 «Николай Батигиннинг кунлари ва йиллари». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.45 Янгиликлар. 11.55 Л. В. Бетховен. 14-«Ойдин» сонатаси. 12.10 «ЁШЛАР СЛЁТИ». Комсомол ва ёшларнинг Октябрь 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ слётидан репортаж (Ленинград).

12.25 А. Бородин. 2-(«Қаҳрамонлик») симфонияси. 12.55 СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач —Совет қўшиқларидан концерт. 20.30 ВРЕМЯ. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА. 22.00 БАЙРАМ КОНЦЕРТИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Экран» ижодий уюшмасининг телевизион ҳужжатли фильмлари: «Орёл. Хотира чашмалари», «Урал ери хотираси». 9.55 Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 «Ҳайкалтарош Кербель». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.55 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 11.55 «Мен Ленинни кўрганман». Чет эл ёзувчилари нинг хотиралари. 12.25 А. Бородин. 2-(«Қаҳрамонлик») симфонияси.

12.55 СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Совет қўшиқларидан концерт. 20.30 ВРЕМЯ. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА 20.00 «Туманда қирғоқлар...». Бадиий фильм («Мосфильм», «Бояна» (БХР) ҳамда Халқ армияси киностудияси (БХР). 1-серия. 23.05 Теннис. Халқаро турнир. Финал. Бельгиядан кўрсатилади. 23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 Тонгги тароналар. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 «Халқ фарзанди». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 8.25 «Қалбда халқ қўшиқларини асраб». Фильм-концерт.

* * *

12.55 Москва. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

* * *

19.30 «Қўшиқларим сенга, Ватан!». Адабий-музикали композиция. 20.00 АХБОРОТ (рус., ўзб.). 20.30 Москва. ВРЕМЯ. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА. 22.00 Москва. БАЙРАМ КОНЦЕРТИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

●

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.55 «Мактаб манзаралари». Болалар учун фильм-концерт. 18.25 «Қизиқувчилар экрани». Илмий-оммабоп программа. 18.55 «Барча давр ва халқлар санъати». Телефильм. 19.15 «Баланд қорлардаги учрашув». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 1-серия.

## Сешанба

### 3 НОЯБРЬ

● МТI

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Поезд революцияга». Ҳужжатли фильм («ЦСДФ»). 10.25 Союзлар уйининг Колонна залида Москва шаҳри автокорхоналари терма духовой оркестрининг чиқиши. 11.15 «ЎЗ ДАВРИМ ҲАҚИДА СЎЗЛАЙМАН». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Минск). 11.45 Янгиликлар. 12.00 «КИШИЛАР ҚАЛБИДА МАНГУ». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 12.30 СССР Давлат академик симфоник оркестри ижросида совет композиторларининг симфоник миниатюралари. Дирижёр — СССР халқ артисти Е. Светланов.

12.55 СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — «Октябрь йўли». Телевизион музикали фильм. 18.35 «Коммунистлар». Совет шоирларининг шеърлари асосида шеърий композиция. 19.00 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.15 ТАРИХ САБОҚЛАРИ. Тележурнал.

20.00 «ТУҒАНМАС ЙЎЛ». Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск киностудияси). 20.30 ВРЕМЯ. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА.

22.00 «ЯНГИ ДУНЁ МУЗИКАСИ». Телевизион фильм премьераси. 23.10 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.25 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Аккордеончиларнинг «Концертина» квинтети чалади. 9.35 «Бу менинг мангулигим». Фильм-концерт («Экран»). 10.35 ОБЪЕКТИВ. Ульяновскда бўлиб ўтган ҳаваскорлик фильмлари Бутунроссия конкурси ҳақида. 11.20 МУЗИКАЛИ КИОСК. 11.50 А. Платонов. «Бу гўзал ва шиддатли оламда». 12.30 СССР Давлат академик симфоник оркестри ижросида совет композиторларининг симфоник миниатюралари. Дирижёр —СССР халқ артисти Е. Светланов.

12.55 СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — «Октябрь йўли». Телевизион музикали фильм. 18.35 Янгиликлар. 18.45 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 19.30 Ритмик гимнастика. 20.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.15 РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Рожков (балалайка) ва Ю. Чернов (гитара) чаладилар.

20.30 ВРЕМЯ. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА. 22.00 «Туманда қирғоқлар...». Бадиий фильм. 2-серия. 23.15 Велоспорт. Халқаро мусобақалар. 23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 Тонгги тароналар. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 Ота-оналарга болалар ҳақида. ЛЕНИНДАН ЎРГАНАМИЗ. 8.10 «ПРОЛОГ». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).

* * *

12.55 Москва. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РОССИЯ СОВЕТ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун концерт. 18.35 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Помир» (Душанба) —«Пахтакор». Душанбадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — АХБОРОТ (рус.). 20.15 АХБОРОТ. 20.30 Москва. ВРЕМЯ. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА. 22.00 1987 ЙИЛ «ОҚ ОЛТИН»И. 22.20 «Пахтакорлар, Сизлар учун». Концерт. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.50 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Унутилмас сатрлар». Завқий ижоди. Инқилоб ҳақида шеърлар. 18.20 «Сиз севган қаҳрамонлар». Болалар учун кинокўрсатув. 19.20 «Баланд қорлардаги учрашув». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

## Чоршанба

### 4 ОКТЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа 9.35 Кекса большевиклар хори ижро этади. Ленинграддан кўрсатилади. 10.05 «ЁШЛАР СЛЁТИ». Комсомол ва ёшларнинг Октябрь 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ слётидан репортаж (Ленинград). 10.35 «БОЛАЛИГИМИЗ ЎТГАН УЙ» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота). 11.00 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.45 Рус тили. 17.15 ...16 ЁШГАЧА ВА УНДАН КАТТАЛАР. 18.00 ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ. «Ўртоқ секретарь». Сумгаит шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Д. М. Муслимзода ҳақида. 18.30 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Вердер» (ГФР) — «Спартак» (Москва). ГФРдан кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.15) — ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 20.15 «НИКОЛАЙ БАТИГИННИНГ КУНЛАРИ ВА ЙИЛЛАРИ». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «НИКОЛАЙ БАТИГИННИНГ КУНЛАРИ ВА ЙИЛЛАРИ». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 23.20 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 23.45 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Динамо» (Тбилиси) — «Виктория» (Румыния). Тбилисидан кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Плюс касб». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 1-синф. Мамлакатимизнинг туғилган куни. 9.55 «Дўстимга хат». Б. Горбатов асарлари саҳифаларида. 10.55 «Куёш ҳадя этган энергия». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. Оилада болалар тарбияси. 11.35, 12.35 Тарих. 9-синф. Ленинча «Искра». 12.05 В. Катаев. «Оқариб кўринар бир елкан». 13.05 «Совет монументал ва портрет ҳайкалтарошлиги». 13.35 «Революция ва поэзия рицари». Е. Чаренц. 14.20 Янгиликлар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 19.00 САЁҲАТЧИЛАР КЛУБИ. 20.00 ҲАМДЎСТЛИК. Тележурнал. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Жаҳон музика маданияти хазинасидан. С. Франк. Ре минор симфонияси. Москва давлат филармониясининг академик симфоник оркестри ижро этади. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Қўлни-қўлга берайлик, дўстлар». Авторлик қўшиқлари кечаси. 23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика 7.20 Тонгги тароналар. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 «КУЁШ МАМЛАКАТИНИНГ ЎҒЛИ». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).

* * *

17.30 Рус тилини ўрганамиз. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Петя ва Қизил Шапкача». Мультфильм. 18.35 «Инсон болаликдан бошланади». 19.10 «ИНТЕНСИВЛАШ РЕЗЕРВЛАРИ». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»). 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Сўнмас у кунлар шуҳрати». Киноконцерт (рус.). 20.30 АХБОРОТ. 20.50 ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН. «Ёшлигим менинг». Музикали программа. 21.20 ДОЛЗАРБ ВАЗИФА. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «ИНҚИЛОБ ТЕНГДОШЛАРИ». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Убайдуллаева ҳақида телеочерк. 22.25 ҚҚАССР санъат усталари ва ижодкор ёшларининг концерти. А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.55 Болалар учун фильм. «Ёнар тоғ хазинаси». 19.10 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Бахтимиз учун курашганлар». 19.25 Ритмик гимнастика. 19.45 Телефильм. 20.20 «Баланд қорлардаги учрашув». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Эстрада-87» телеконкурсининг якунловчи тури.

## Пайшанба

### 5 НОЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Николай Батигиннинг кунлари ва йиллари». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. 12.00 А. Глазунов асарларидан концерт. Москва давлат филармониясининг академик симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — СССР халқ артисти Д. Китаенко. 12.20 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 Сенинг ленинча кутубхонанг. В. И. Ленин. «Большевиклар ҳокимиятни ўз қўлларига олишлари керак», «Марксизм ва қўзғолон», «Четдаги кишининг маслаҳатлари». 17.10 «Аврора». Мультфильм. 17.30 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Динамо» (Москва) — «Барселона» (Испания). Кубок эгаларининг кубоги. 1/8 финал. «Динамо» (Минск) — «Реал» (Сан-Себастьян, Испания) Танаффус пайтида — ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 20.00 «Композиция». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран») 20.10 «НИКОЛАЙ БАТИГИННИНГ КУНЛАРИ ВА ЙИЛЛАРИ». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ИШТИРОКЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР. 22.15 «НИКОЛАЙ БАТИГИННИНГ КУНЛАРИ ВА ЙИЛЛАРИ». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 23.25 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 23.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Нега ва нима учун?» Болалар учун кўрсатув. 9.50 Е. Кисин чалади (фортепьяно). 10.25 ИНСОН. ЕР. КОИНОТ. 11.10 «Қизлар кашталари». Мультфильм. 11.30 «Ўз ерингдаги уй». Телевизион очерк. 12.00 «Туманда қирғоқлар..». Бадиий фильм. 1-серия. 13.05 Оренбург Давлат рус халқ хорининг концерти. 13.35 «Матвейнинг қувончи». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 15.10 Янгиликлар.

* * *

18.25 Янгиликлар. 18.30 ҲАММА УЧУН ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН. Уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида ғамхўрлик. Ульяновск, Иркутск, Тошкент шаҳарларининг иш тажрибасидан. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 СССР Давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри Останкино концерт студиясига таклиф этади. Танаффус пайтида 20.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ИШТИРОКЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР. 22.15 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». 2 ва 3-даврлар. 23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 Тонгги тароналар. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 НАФОСАТ. Тележурнал (такрорий). 9.00 ЎзТВ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Юзма-юз». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 10.15 «Инқилоб достони». Фильм-концерт.

●

10.55 ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ. БАЙРАМ КОНЦЕРТИ. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади.

* * *

18.30 «Совет Иттифоқи бўйлаб». Кинопрограмма. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.50 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Инқилоб ва адабиёт». 20.30 АХБОРОТ. 21.00 СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 Москва. ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ИШТИРОКЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР. 22.15 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Ҳаёт мазмуни» телевизион бадиий фильми ижодкорлари билан учрашув. 23.15 **Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг концерти.** В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.55 «Қалбдан...» Ленин ва Грузия. Хотиралар, ҳужжатлар». Ҳужжатли фильм. 18.45 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 1-серия. 20.00 «Экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш». Саноат корхоналарининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитларидаги иш тажрибасидан (рус.). 20.30 «Константин Петрович Иванов ҳақида қисса». Телефильм. 21.00 «ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ — ҲАММАНИНГ ВА ҲАР БИР КИШИНИНГ ИШИ». 21.30 Москва. ВРЕМЯ.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 **Қирғизистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Қирғизистон ССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси ҳақида репортаж.** 22.35 «Чичерин». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).

## Жума

### 6 НОЯБРЬ

● МТ I

8.00 «90 МИНУТ». Тонгги информацион-музикали программа. 9.35 «Николай Батигиннинг кунлари ва йиллари». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4 ва 5-сериялар. 12.00 «XXI асрга экспедиция». 13.00 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар. 16.40 Болалар учун фильм. «Шу қизча бўлмагандайди...» (Рига киностудияси). 17.45 Ҳозирги давр ва халқаро ишчилар ҳаракати. «Октябрь ғоялари ва ҳозирги дунё». 18.15 1987 йилги Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари. 18.45 АГРОСАНОАТ: БУГУН ВА ЭРТАГА. 19.15 ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. 19.30 УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА. Тарихнинг сўнмас сатрлари. «Ленин Октябрда». Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ИШТИРОКЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР. 22.15 «Давр, туғилган кунинг билан!» Давлат Марказий концерт залида Совет Иттифоқи санъат усталари ва ижодкор ёшларининг гала-концерти. Танаффус пайтида (23.25) — ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ. Кўрсатув тугагач (01.00) — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Туғилган кун». Мультфильм. 9.30 Октябрь революцияси номли музика билим юрти хорининг концерти. 9.55 «Ўз зиммамга оламан». Телевизион ҳужжатли фильм (Киев). 10.25 Ф. Дзержинский номли дивизия ансамблининг чиқиши. 10.45 Ҳозирги замон саҳнасида меҳнат киши. 12.00 «Туманда қирғоқлар...». Бадиий фильм. 2-серия. 13.15 ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ. 14.15 «Бир неча сатрларни деб». Бадиий фильм («Ленфильм». 15.30 Янгиликлар.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 Халқ куйлари. 19.00 ЛЕНИНГРАД ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 С. Есенин. «Анна Снегина». 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ИШТИРОКЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР. 22.15 «Якшанбалик ота». Бадиий фильм («Ленфильм»). 23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 Ритмик гимнастика. 7.20 Тонгги тароналар. 7.30 АХБОРОТ. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 «Мусиқа жавони» (такрорий). 8.40 «Давр билан ҳамнафас». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 [illegible] Болалар учун киноальманах. [illegible] Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстларимиз адреслари». Ўзбекистон телевидениеси ва Белоруссия телевидениесининг биргаликдаги программаси. 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 ТОШКЕНТ ВА ТОШКЕНТЛИКЛАР. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган байрам программаси. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «Рақслар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 Москва ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ИШТИРОКЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР. 22.15 «Инқилоб вакил қилган». Уч серияли телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 1-серия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.00 Болалар учун фильм. «Биринчи концерт». 18.30 Ритмик гимнастика. 18.50 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 2-серия. 20.00 «Дўстлик қўшиқлари» (такрорий). 20.30 «Совет турмуш тарзи». Кинопрограмма. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 22.05 «Ала-Тоо акс садоси». Қирғиз цирки таклиф этади. 23.15 «Чичерин». Бадиий фильм. 2-серия. (рус.).

## Шанба

### 7 НОЯБРЬ

### УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИГА 70 ЙИЛ ТЎЛДИ

● МТ I

9.00 Янгиликлар. 9.15 «УЛЬЯНОВСККА, ЛЕНИН ҲУЗУРИГА». Ҳужжатли фильм премьераси (Куйбишев кинохроника студияси). 9.45 В. Тормис қайта ишлаган бешта революцион қўшиқ. Таллиндан кўрсатилади. 10.05 Совет тарғибот чинниси. 10.50 «ДЎСТЛАР ОРАСИДА». Ҳужжатли фильм премьераси («ЛНФ» ва «Лодза» илмий-оммабоп фильмлари студияси). 11.10 Ленинград Давлат филармонияси академик симфоник оркестрининг чиқиши. 11.40 К. Федин. «Илк қувончлар». 12.10 «Шоирлар — Октябрга». Шеърий композиция. 12.40 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ. Намойиш тугагач — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 15.30 «РАЗЛИВ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград). **15.40 «Саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари — 1987 йилги СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари».** 16.40 «Дадил қадам ташланг, ўртоқлар!» СССР Давлат академик рус хори ижросида революцион қўшиқлар. 16.50 **«Совет ҳокимияти учун жангларда қурбон бўлганлар хотираси».** Бир минутлик сукунат. 17.03 Г. Свиридов. «Патетик оратория». В. Маяковский шеърига хор, солистлар ва оркестр учун. 17.40 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Порла, менинг сўнмас юлдузим». Бадиий фильм («Мосфильм»(. 19.15 «БОЛЬШЕВИКЛАР». Москва «Современник» театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — М. Шатров. 21.30 **ВРЕМЯ. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж.** 23.00 «В. И. ЛЕНИН. ХАЁТИ САҲИФАЛАРИ». Киноҳужжатлар. 00.10 «Дўстлар даврасида байрам оқшоми». 01.15 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Оталаримиз қўшиқлари». Бадиий ҳаваскор болалар концерти. 9.40 «Революцион плакат». 10.10 Э. Григ. Фортепьяно ва оркестр учун ля минор концерти. 10.45 М. Горький. «Лочин ҳақида қўшиқ». «Бўрон қуши ҳақида қўшиқ». 11.10 М. Пятницкий номли РСФСР Давлат академик рус халқ хорининг чиқиши. 12.10 Шоирлар — Октябрга. Шеърий композиция.

12.40 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ. Намойиш тугагач — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.

15.30 Болалар учун фильм. «Кора кўл рицарлари» («Озарбайжонфильм»). 16.40 «Дадил қадам ташланг, ўртоқлар!» СССР Давлат академик рус хори ижросида революцион қўшиқлар. 16.50 **«Совет ҳокимияти учун жангларда қурбон бўлганлар хотираси».** Бир минутлик сукунат. 17.05 А. Хачатуряннинг «Спартак» балети. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли. 19.20 «ИШЧИЛАР ИШИ УЧУН КУРАШ БАЙРОҒИ». Илмий-оммабоп фильм премьераси («Леннаучфильм»). 19.30 «Тўрт пионер борарди». Мультфильм. 19.40 «ОЙ ГЛОБУСИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тбилиси). 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Революцияга бахшида умр». Н. Островский.

21.30 ВРЕМЯ. **Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж.**

23.00 «Севимли Ватаним менинг». РСФСР халқ артисти А. Покровский иштирокида фильм-концерт.

● ЎзТВ

8.00 Ритмик гимнастика. 8.20 Мультфильм. 8.30 «Ватанимни шарафлайман». Ватан ҳақида, партия ҳақида шеърлар. 8.40 «Қудратимиз дўстликда». Концерт. 9.10 «Буюк тақдирли шаҳар». Ҳужжатли фильм. 9.45 Тошкент. В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ. Намойиш тугагач — «Куйловчи Ўзбекистон. Фильм-концерт: «Ўзбекистон: давр, воқеалар, кишилар». Ҳужжатли фильм.

* * *

12.40 Москва. ҚИЗИЛ МАЙДОН. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ.

* * *

16.50 Москва. **«Совет ҳокимияти учун жангларда қурбон бўлганлар хотираси».** Бир минутлик сукунат.

* * *

17.05 Кўрсатувлар программаси. 17.10 Болалар учун. «Бахтли болалик». Адабий-музикали композиция. 17.50 «Остонамга эртак кирди», «Бужорел — пион гул ҳақида афсона». Мультфильмлар программаси. 18.25 «Дўстлик чамани». Дўстларимиз табриклари. 19.[illegible] «Инқилоб вакил қилган». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 20.30 АХБОРОТ. **Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж.** 21.[illegible] «Халқ қалбида яшайди». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ҳақида телефильм. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. **Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж.** 23.0[illegible] БАЙРАМ ТАРОНАЛАРИ. Байрам музикали программаси. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ: 17.3[illegible] Кўрсатувлар программаси. 17.4[illegible] Мультфильм. 17.55 Халқ ижодиёти. «Чашма» ансамбли ижро этади. 18.30 ОКТЯБРДАН НУРАФШОН. Байрам программаси. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 23.00 «СОВЕТ ТОЖИКИСТОНИ». Ҳужжатли фильм премьераси. 23.15 Тожикистон байрам либосида. **Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж.**

## Якшанба

### 8 НОЯБРЬ

● МТ I

9.00 Янгиликлар. 9.20 «Наташа учун эртак». Мультфильм. 9.30 Ритмик гимнастика. 10.05 «Спортлото» тиражи. 10.30 БУДИЛЬНИК. 11.00 СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН! 12.00 ТОНГГИ ПОЧТА. Музикали кўрсатув. 12.30 «Фан ва техника соҳасида 1987 йилги СССР Давлат мукофотининг лауреатлари». 13.30 «Кувноқ нотачалар». Ёш вокалистлар концерти. 14.30 «Спорт ва мода». «Лужники» Спорт саройидаги «Спортинтермода-87 — 88» халқаро фестивали ҳақида. 16.00 «ЦИРК КЕЛДИ». Болалар учун уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси («Экран»). 1-серия. 17.05 «Сизни Ленинград таклиф этади». Музикали программа. 20.00 МТ ЭКРАНИДА БИРИНЧИ МАРТА. «Капитанга турмушга чиқиш». Бадиий фильм. («Ленфильм»). 21.30. ВРЕМЯ. 22.05 «Солдатлар куйлаганда». Солдат қўшиқлари фестивали. 00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Зарядкага сафланинг! 9.20 М. В. Ломоносов номли МДУ Маданият саройининг академик хори куйлайди. 9.35 «Цемент». Телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1 ва 2-сериялар. 11.45 «Жаҳон музика маданияти хазинасидан». Г. Свиридов. Романслар ва қўшиқлар. 12.25 МЎЪЖИСАСИЗ-МЎЪЖИЗАЛАР. 13.25 «Чўзилган имтиҳон». Бадиий фильм («Мосфильм»). 14.45 «Янгра, гармон!». Кўрсатувни РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Заволокин олиб боради. 16.00 Мамлакат миллий театрлари фестивали. А. Корнейчук. «ЭСКАДРА ҲАЛОКАТИ». И. Франко номли Киев Давлат академик драма театри фильм-спектаклнинг премьераси. 18.00 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр — «Жальгирис». Днепропетровскдан олиб кўрсатилади. 19.45 «Бувимнинг сабоғи». Мультфильм. 19.55 «Қўшиқларингизни куйлаймиз, дўстлар». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ Гном». 20.45 Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 ВРЕМЯ. 22.05 «Валентин ва Валентина». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ

8.00 Ритмик гимнастика. 8.20 «Карнайгул». Мультфильм. 8.30 Янгиликлар. 8.40 ЎЗБЕКИСТОН КУЙЛАГАЙ. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган II Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилган халқ ижодиёти республика кўрик-конкурси ғолиблари ва лауреатларининг якунловчи концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 10.40 «Кинокўзгуда ҳаёт». Кинокўрсатув. 11.25 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган ҚҚАССР ва республика областлари болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Самарқанд ёшлари. 12.25 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Умид». Ижодкор ёшлар телеклуби. 13.35 Ойбек. «Кутлуғ қон». Видеофильм. 5-қисм. 14.45 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА. «Инқилоб тенгдошлари». Башорат Мирбобоева (рус.). 15.15 Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган халқ ижодиёти Бутуниттифоқ фестивалининг якунлари.

* * *

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Болалар учун. «Подснежник» (рус.). 18.25 «Келинлар қўзғолони», Кинокомедия («Ўзбекфильм»). 19.30 АХБОРОТ (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 АХБОРОТ. 20.50 «ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН». Концерт. 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 1987 ЙИЛ «ОҚ ОЛТИН»И. 22.25 «Инқилоб вакил қилган». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 23.40 Байрам янгиликлари. панорамаси. 00.40 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 14.25 Кўрсатувлар программаси. 14.30 «Сеҳрли жилолар», «Фаррух ва Зумрад», «Ўзганинг пўстини». Мультфильмлар. 14.55 «Рус қўшиқлари Леонид Сметанников куйлайди». Фильм-концерт. 15.25 «Лицедейлар». Телефильм-концерт. 15.55 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИДА БИРИНЧИ МАРТА. «222-рейс». 17.00 Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган театрлашган-спорт байрами. 18.30 «Новинки» киноклуби. 19.40 «Мискал жана тамаша». 21.30 Москва. ВРЕМЯ. 22.05 «222-рейс». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).

## ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Биз 1988 йилда ҳам «Телевидение программалари»ни шу ҳолда, батафсил бериб бориш ниятидамиз. Программаларнинг берилишига доир ўз фикр ва мулоҳазаларингиз бўлса бизга ёзиб юборишингизни сўраймиз.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 13098. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Б. 2500. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.